

Фатво: Диний идора томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя қилиш ҳақида



12:31 / 05.06.2021 2717

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

«Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик» (Исро сураси 70-оят).

Инсон зотига турли хил уловларнинг бўйсундирилиши, ҳаракатланиши учун қулай имкониятлар қилингани, кейинги асрларда янги-янги транспорт воситаларининг кашф этилиши – Аллоҳ таоло томонидан бандасига ато этилган улуғ неъматлардир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Наҳл сурасида шундай

марҳамат қилади:

«Шунингдек, улар (мазкур ҳайвонлар) сизлар жонларингизни қийнаб етадиган юртларга юкларингизни кўтариб борур. Албатта, Раббингиз меҳрибон ва раҳмлидир. У яна минишингиз учун ва зийнат сифатида отлар, хачирлар ва эшакларни (яратди). Яна, сизлар (ҳали) билмайдиган нарсаларни ҳам яратур» (7-8-оятлар).

Ислом шариати йўл ҳаракати қоидаларига – **ижтимоий қоидалар** сифатида қарайди ва унга **риоя қилишга** буюради. Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш шариатнинг қуйидаги учта мақсадларига етишга хизмат қилади:

. Ҳаётни сақлаш.

2. Авлодни сақлаш.

3. Мулкни сақлаш.

Транспорт воситасини бошқаришда мусулмонлар риоя этишлари лозим бўлган кўплаб суннатлар ва одоблар мавжуд. Энг муҳим вазифа - инсон уловда юрганида ўзи ва ўзгаларни хатарга қўймаслиги, пиёдалар, йўловчилар ва бошқа ҳайдовчилар ҳаётига хавф солмаслиги керак. Бунинг учун эса йўл ҳаракати иштирокчиларининг барчаси йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишлари лозим бўлади. Қоидани бузиш - бошқа бир йўл ҳаракати иштирокчиси ҳаққини поймол қилиш ва унга зулм қилиш ҳисобланади.

Ислом Фикҳи Академияси ва Саудия Арабистони подшоҳлигининг илмий баҳслар ва фатво бериш бўйича доимий қўмитаси каби фатво идоралари ва жумҳур уламолар йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш - вожиб экани ҳақида хулоса берганлар. Демак, юқоридаги сабабларга кўра йўл қоидаларига амал қилишнинг лозимлиги ҳамда уни бузганларга молиявий жазолар қўллаш жоизлиги келиб чиқади.

Ҳар бир мусулмон ҳайдовчи ўзининг бепарволиги, маъсулиятсизлиги, автотранспортга хизмат кўрсатиш ва йўл ҳаракати тартиб-қоидаларига риоя этмаслик оқибатида бахтсиз ҳодиса рўй берса, амалдаги қонунлар асосида жавоб бериши,

шариат нуқтаи-назаридан эса гуноҳкор бўлиши ва Қиёмат кунида Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳам жавоб беришини унутмаслиги лозим. Қуръони Каримда «Сизга қандай яхшилик етса, у Аллоҳдандир. Сизга қандай нохушлик етса, у ўзингиздандир....», - дейилган (*Нисо сураси 79-оят*).

Таъкидлаш жоизки, айрим мутаассиб шахслар: «Йўл ҳаракати қоидалари Қуръони каримда ҳам, суннатда ҳам ворид бўлмаган, у ислом шариатидан ташқаридаги нарса, демак, унга амал қилмаса ҳам бўлаверади» деган ўта хатарли «фатво»ларни бермоқдалар. Баъзи мусулмонларнинг бу каби найрангларга учиши оқибатида бугунги кунда йўлдаги тартибсизликлар, дилхираликлар ва йўл-транспорт ҳодисалари рўй бермоқда. Аслида эса йўлда ҳаракатланишда қоидаларга риоя этиш, одоб ва маданият борасида мусулмонлар пешқадам бўлишлари лозим.

Йўллардаги бахтсиз ҳодисаларнинг аксарияти тезликни ошириш ва қарама-қарши йўлга чиқиш оқибатида содир бўлмоқда. Бунинг сабаби, биринчи навбатда шошқалоқликдир. Пайғамбаримиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир ишда саҳобаларни шошқалоқликдан қайтариб келганлар ва ҳадиси шарифларидан бирида: «Босиқлик - Аллоҳдан, шошқалоқлик - шайтондандир», - деганлар. (*Имом Байҳақий, 20280-ҳадис*).

Шунингдек, йўлнинг қатнов қисмида тўхтаб, йўловчи олиш, ҳаракатни тўсиб гаплашиб туриш ёки транспорт воситасини йўлнинг ўртасида қолдириб кетиш ҳам шариат ман этган амаллардан ҳисобланади.

Саҳл ибн Муоз ўз отасидан ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу жониворларни яроқли ҳолида мининглар ва яроқли ҳолида тарк этинглар. Уларни йўл ва бозорларда гаплашиш учун курсилар қилиб олманглар», - деганлар. (*Имом Ҳоким, 444-ҳадис*).

Абу Сирмадан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким зарар етказса, Аллоҳ унга зарар етказди. Ким машаққат туғдирса, Аллоҳ уни машаққатга қўяди», - деганлар (*Имом Абу Довуд, 3635-ҳадис*).

Инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи Аллоҳ таоло томонидан вақтинча берилган. Ўз соғлиғига зарар етказган одам ушбу қилмиши учун Яратган олдида жавоб беради. Ҳайдовчи ва пиёдалар транспорт йўлларида йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслиги, аввало ўз ҳаётларини, қолаверса бошқа инсонларни ҳам хавф остига қўяди. Тезликни чеклашда асосан ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳаётини сақлаш назарда тутилади. Ҳайдовчининг бу чекловни бузиши ўзининг ва бошқаларнинг ҳаётини хатарга қўйиш бўлади. Шу боис қатор фатво марказлари ва уламолар, жумладан, Саудия Арабистони муфтияти рухсат этилган тезликдан юқори тезликда ҳаракатланиш оқибатида рўй берган бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган ҳайдовчи ўз жонига қасд қилган бўлади, деб фатво берган.

Таъкидлаш жоизки, аксарият йўл-транспорт ҳодисалари маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш сабабли юз беради. Маст ҳолда рулга ўтириш амалдаги қонунларни қўпол равишда бузиш, исломда эса оғир гуноҳ ҳисобланади. Асл қоида - транспорт воситаси ҳайдовчиси ҳаракат давомида машинаси билан содир қиладиган ҳар бир ҳодисага масъулдир. Ҳайдовчи машинанинг олди, орқаси ва ён томонлари билан етказган зарарга зомин (жавобгар) бўлади. Ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан ҳаддан ошиб ўзгага зарар етказса, жавобгар бўлади. Чунки ислом шариатида ҳаддан ошувчи доимо жавобгар ҳисобланади.

Ҳайдовчи ўзининг, йўловчиларнинг ҳамда бошқаларнинг хавфсизлигига

ва саломатлигига ҳам масъул ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан унинг йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя қилиши Ислом шариатида вожиб ҳисобланади.

Шунга кўра, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмайдиган кишига транспорт воситасини бошқариш шаръан жоиз эмас. Чунки у мазкур қоидаларни бузиш орқали бировларнинг ҳақларини поймол қилади, ўзининг ҳам, бошқанинг ҳам ҳаётини хавф остига қўяди ҳамда омма халқ манфаатларини кўзлаб жорий қилинган низомга қарши чиққан бўлади. Бу эса - Ислом шариатига мутлақо зиддир.

Имом Муслим Абу Бакра разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Мусулмон агар бир мусулмон биродарига қурол ўқталса, то уни туширмагунча фаришталар унга лаънат айтади», - деганлар (Имом Муслим, 2616-

ҳадис). Замонамиз уламолари темир транспорт воситасини белгиланган қоидаларга ҳилоф равишда ҳайдаб кишиларнинг ҳаётига таҳдид солаётган ҳайдовчи ҳам ушбу ҳадиси шарифга мувофиқ фаришталар лаънатига дучор бўлади, дейдилар.

Айрим ҳолатларда заруратсиз сигнал чалиш, овоз чиқарадиган воситаларни баланд қўйиш билан ўзгаларга озор бериш ҳамда қоронғи вақтда кўзни қамаштирадиган тақиқланган ёритгичларни ёқиб юриш ҳолатлари кузатилади. «Қўли ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши - (комил) мусулмондир» дейилган. (Имом Бухорий, 6484-ҳадис) ҳадисга кўра бундай ҳаракатлар динимизда қайтарилган амал ҳисобланади.

Транспорт воситасини йўл юришга тўлиқ жавоб берадиган даражада яроқли бўлиши ҳам динимиз талабларидан саналади. Шу боис ҳайдовчи транспорт воситасининг техник созлигини, тозаллигини ва тўлиқ жиҳозланганлигини текшириши ва йўлга тўла-тўқис тайёрлаши керак. Фикҳий қоидага кўра, «Вожиб усиз мукамал бўлмайдиган иш ҳам - вожибдир». Демак, транспорт воситасини ҳайдаш жоиз бўлиши учун ушбу техника йўлга тўла яроқли» бўлиши лозим. Транспорт воситаларининг техник ҳолати ва жиҳозлари меъёрий талабларга тўла мувофиқ бўлиши керак. Акс ҳолда - транспорт воситасини ҳайдаш шаръан мумкин бўлмайди. Шу жумладан, фойдани кўзлаб юк ташишга мўлжалланган транспорт воситасини белгиланган вазндан ортиқ юклаш ҳам йўл ҳаракати хавфсизлигига, демак, инсонларнинг ҳаётига таҳдид солиши сабабли шаръан жоиз эмас.

Исломда нақлиёт воситаларига алоҳида эътибор берилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша вақтда миналадиган барча уловлардан яроқли ҳолда фойдаланишга, яхши парвариш қилишга буюрганлар. Транспорт воситаси йўлга яроқли бўлиши лозим бўлганидек, уни ҳайдовчи шахс ҳам уни ҳайдашга лаёқатли бўлиши шаръан вожиб. Яъни, ҳайдовчи ўзи минмоқчи бўлган транспорт воситасини ҳайдашга айна вақтда ақлан ва жисмонан лаёқатли бўлиши ҳамда керакли билим ва тажрибага эга бўлиши лозим. Акс ҳолда, у ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам ҳаётини хавф остига қўйиши муқаррар. Бу эса шаръан ҳаром ҳисобланади. Шунинг учун, ҳайдовчи шахснинг транспорт воситасини безарар, ўзига ҳам, бошқаларга зарар келтирмай бошқаришига тўла ишончи

бўлмаса, айниқса, мастлик ҳолатида, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида транспорт воситасини бошқариш шаръан жоиз эмас.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, бахтсиз ҳодисаларда энг кўп айбдорлар ёш ҳайдовчилардир. Уларнинг уқувсизлиги ва тажрибасизлиги борасидаги Аллоҳ таолонинг ҳузуридаги масъулият - ҳайдовчиларнинг ўқитиш тизимидаги масъулларнинг зиммасидадир. Улар ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича зиммаларидаги вазифаларини виждонан бажаришлари, етарли билим ва малакага эга бўлмаган ўқувчиларга ҳайдовчилик гувоҳномасини бермасликлари лозим. Акс ҳолда малакасиз ҳайдовчининг содир этаётган йўлбузарликларига бу дунёда ҳам, Қиёматда ҳам тегишли тарзда жавобгар бўладилар. Ҳадисда таъкидланган: *«Барчангиз қўл остингдагиларга масъулсизлар»* (Имом Бухорий, 2409-ҳадис).

Шунингдек, пиёдалар ҳам йўл ҳаракатида ўз ҳаётларини хатарга қўймасликлари талаб этилади. Пиёдалар тротуардан ёки пиёдалар йўлкасидан, фақат улар бўлмагандагина эҳтиётлик билан йўл ёқасидан юришлари, йўлнинг қатнов қисмини пиёдалар ўтиш жойларидан, шунингдек ер ости ва ер усти ўтиш жойларидан, улар бўлмаганда эса чорраҳаларда тротуар чизиқлари ёки йўл ёқаси бўйлаб кесиб ўтишлари керак. Ушбу қоидаларни бузиш инсоннинг била туриб ўз ҳаётини хатарга қўйиши ҳисобланиб, бундай иш қилган мусулмон шариат нуқтаи назаридан гуноҳкор бўлади.

Йўл одобларидан муҳимлари - ўзаро илтифот кўрсатиш ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: *«Кимки (бир) ҳасана (савобли иш) қилса, унга ўн баробар (кўпайтириб ёзилур)...»* деб таъкидлаган (Анъом сураси 160-оят).

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

- дунёдаги аксарият фатво уюшмалари ва ислом уламолари хулосасига мувофиқ, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш шаръан вожиб амал ҳисобланади. Зеро, мазкур қоидалар шариатимиз таълимотларига тўғри келади. Мусулмонлар ушбу қоидаларга

эътиқодан ва қунт билан амал қилишлари керак;

- рухсат этилгандан юқори тезликда ҳаракатланиши оқибатида рўй берган бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган ҳайдовчи шаръий жиҳатдан ҳаддидан ошган ва ўз жонига қасд қилган мақомида ҳисобланади.

- йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмайдиган ёки бунга лаёқати бўлмаган шахсларнинг транспорт воситасини бошқариши жоиз эмас;

- йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳолатда транспорт воситасини бошқариш шаръан жоиз эмас;

- транспорт воситаси йўлга яроқли бўлмаган ҳолатда ундан фойдаланиш шаръан ман этилади;

- йўл жамоа фойдаланадиган тармоқ экани сабабли йўл ҳаракати иштирокчилари ўзаро одоб ва маданият билан муносабатда бўлишлари, бошқаларга халақит беришдан, қўпол сўз ва хатти-ҳаракатлардан сақланишлари лозим.

Мусулмон кишини йўл ҳаракати қоидалари, одоб ва маданиятларига амал қилиши кузатув камералари ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари ходимлари назорат қилаётгани учун эмас, балки амалдаги йўл ҳаракати қонун-қоидаларига амал қилиш - Ислом шариатининг талаби деб эътиқод қилган ҳолда бажариши керак. Шунда йўлда юриш ҳам ибодатга айланади. *Валлоҳу аълам.*

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво ҳайъати